



«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

Қизилтепа туман “Ободонлаштириш”

бошқармаси бошлиғи

Б.С.Жумаев

“ ” “ ”
2022 йил

**ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНДА “ОБОДОНЛАШТИРИШ” БОШҚАРМАСИ
БЮРТМАСИ ВА ТАСДИҚЛАНГАН МАНЗИЛЛИ ДАСТУРГА
АСОСАН БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН БОБОДЎҒИ
МФЙ БОБОДЎҒИ ИЧКИ АВТОМОБИЛ ЙЎЛИНИ ЖОРИЙ
ТАЪМИРЛАШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИШЛАРИНИ
БАЖАРИШ УЧУН**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Қизилтепа туман “Ободанлаштириш” бошқармаси бюртмаси ва тасдиқланган манзилли дастурга асосан Қизилтепа туман Бободўғи МФЙ Бободўғи ички йўлини жорий таъмирлаш ишларини бажариш.

1.2.Танловнинг юқори қиймати– 580 775 000 (Беш юз саксон миллион етти юз етмиш беш минг) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Танлов ҳужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чикқан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қизилтепа туман “Ободанлаштириш” бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Қизилтепа туман А.Навоий МФЙ Шодлик кўчаси 45-уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганилиги
- Техника ҳафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йуриқномалари
- Танлов объектига ўхшаш объектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Солик ва бошка мажбурий туловлардан қарздорлиги йуқлиги тугрисида
- Қатнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, миждоз билан суд ёки ҳакамлик муҳоқамаси ҳолатида булмаганлиги тугрисидаги қафолат хати.
- Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги
- Иштирокчи қорхонанинг омборида махсулот мавжудлиги
- Қорхонанинг мавжуд транспорт воситалари ҳақида маълумот
- Ишларни бажариш муддати Қафолат хати
- Нохалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак; Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилан бўлиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамада уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қамада ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамада икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
2-илова

Техник топшириқ

Харид предмети: Қизилтепа туман “Ободанлаштириш” бошқармаси бюртмаси ва тасдиқланган дастурга асосан Бободўғи МФЙ Бободўғи ички автомобиль йўлини жорий таъмирлаш ва хизмат курсатиш ишларини бажариш

Қафолат муддати: 2022 йил 1 йилгача

№	Талаб номи	Ўлчов бирлиги	Ўзига хос хусусияти
1.	Қизилтепа туман “Ободанлаштириш” бошқармаси бюртмаси ва тасдиқланган дастурга асосан Бободўғи МФЙ Бободўғи ички автомобиль йўлини жорий таъмирлаш	комп	<u>Лойиха смета</u> <u>ҳужжатлари асосида</u> <u>ички йўлларни жорий</u> <u>таъмирлаш</u> ва хизмат кўрсатиш ишларни сифатли бажариш
2.	Ишларни ўз мўддатида бажариш	комп	Техника хафсизлигига ривоя этиш
3	Қизилтепа туман “Ободанлаштириш” бошқармаси бюртмаси ва тасдиқланган дастурга асосан Бободўғи МФЙ Бободўғи ички автомобиль йўлини жорий таъмирлаш	комп	Қафолат муддати: ишларни топширган кундан бошлаб бир йилгача

Комиссия аъзолари:



[Handwritten signature]
[Handwritten signature]
[Handwritten signature]

О.Исматов

Ш.Рахимов

А.Абдуллаев